IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2021 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 4 206,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 122,7 %ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 913,8 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2021 йилнинг январь-март ойларида 1 410,9 минг сўмни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 56,4 фоизи вилоятнинг 5 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан, Олмалиқ шаҳар (23,3 %), Чирчиқ шаҳар (11,6 %), Юқоричирчиқ тумани (7,8 %) Бўстонлиқ тумани (6,9 %), ва Зангиота тумани (6,8 %), ҳисобига тўғри келди.

2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида
асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми *(млрд. сўм)*



2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида
асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари *(%да)*



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ангрен шаҳрида - 319,6 %, Юқоричирчиқ туманида - 287,9 %, Нурафшон шаҳрида - 237,2 %, Қуйичирчиқ туманида - 175,5 % ва Олмалиқ шаҳрида - 158,1 % ўсиш кузатилди.

2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида
аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори
(минг сўмда, %да)



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Чирчиқ шаҳрида 12 434,4 минг сўм, Олмалиқ шаҳрида 7 336,0 минг сўм, Юқоричирчиқ туманида 2 339,0 минг сўм, Қуйичирчиқ туманида 1 955,6 минг сўм ва Оҳангарон туманида 1 488,0 минг сўмни ташкил этди. Аксинча, паст кўрсаткич Янгийўл шаҳрида 260,0 минг сўмни, Чиноз туманида 254,5 минг сўмни ва Паркент туманида 171,5 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд. сўм	*ўсиш суръати, %*	*якунга нисбатан %*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**4 206,0**	**122,7**	**100**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	**397,8**	**69,6**	**9,5**
бюджет маблағлари	85,2	81,8	2,0
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	11,1	63,7	0,3
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	63,8	32,8	1,5
Ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	237,7	92,9	5,7
Марказлашмаган инвестициялар	**3 808,2**	**133,3**	**90,5**
корхоналарнинг ўз маблағлари	2 285,7	184,2	54,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари	287,7	74,5	6,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	423,4	64,0	10,1
бошқа қарз маблағлари	3,1	25,6	0,1
аҳоли маблағлари	592,0	164,2	14,1
шундан: кафолатланмаган хорижий кредитлар	216,3	132,9	5,1

2021 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич (жами инвестицияларнинг 54,3 %и) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига (2285,7 млрд. сўм) тўғри келди.

2021 йил январь-март ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2021 йилнинг январь-март ойларида 423,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,0 фоизни ташкил қилди. Бунда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича юқори кўрсаткич Бўстонлиқ туманига (51,4 млрд. сўм) ва Зангиота туманига (49,6 млрд. сўм) тўғри келди. Аксинча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст натижалар Бўка туманида (7,4 млрд. сўм), Янгийўл шаҳрида (7,0 млрд. сўм) ва Ангрен шаҳрида (6,8 млрд. сўм) кузатилди.

Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кафолатланмаган кредитлар

(млрд. сўм)

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	*шу жумладан:*		Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	*шу жумладан:*	Кафолат-ланмаган кредитлар
		Инвестиция	Кредит		Реинвестиция	
Вилоят бўйича	**914,0**	**459,9**	**454,1**	**423,4**	**22,7**	**216,3**
шаҳарлар:						
Нурафшон	14,9	14,9	-	14,9	-	-
Олмалиқ	20,4	1,0	19,4		1,0	9,0
Ангрен	41,9	6,8	35,1	6,8	-	35,1
Бекобод	23,5	23,5	-	23,5	-	-
Оҳангарон	78,9	78,9	-	78,9	-	-
Чирчиқ	258,6	16,0	242,6	4,1	0,1	21,0
Янгийўл	7,2	7,0	0,2	7,0	-	-
туманлар:						
Оққўрғон	10,5	10,5	-	10,5	-	-
Оҳангарон	86,3	39,3	47,0	38,4	-	47,0
Бекобод	13,9	-	13,9	-	-	13,9
Бўстонлиқ	51,4	51,4	-	51,4	0,1	-
Бўка	7,4	7,4	-	7,4	-	-
Қуйичирчиқ	80,0	39,7	40,3	17,2	-	40,3
Зангиота	63,6	49,6	14,0	49,6	-	14,0
Юқоричирчқ	80,7	44,7	36,0	44,7	-	36,0
Қибрай	25,8	20,2	5,6	20,2	0,8	
Паркент	-	-	-	-	-	-
Пискент	-	-	-	-	-	-
Ўртачирчиқ	-	-	-	-	-	-
Чиноз	13,9	13,9	-	13,9	13,9	-
Янгийўл	15,8	15,8	-	15,8	6,8	-
Тошкент	19,3	19,3	-	19,3	-	-

2021 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами млрд.сўм	*фоизда*	*Давлат*	*фоизда*	*Нодавлат*	*фоизда*
Жами, млрд. сўм	**4 206,0**	**100**	**1 492,5**	**35,5**	**2 713,5**	**64,5**
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан %да						
қурилиш-монтаж ишлари	1617,0	38,5	551,2	13,1	1065,8	25,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	2260,0	53,7	754,9	18,0	1505,1	35,8
бошқа ҳаражатлар	329,0	7,8	186,4	4,4	142,6	3,4

2021 йил январь-март ойларида Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг Машиналар, асбоб-ускуналар инвентарь, йўналтирилган улуши 53,7 фоизни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

(млрд. сўм)

	январь-март			
	2020 й.	*Умумий ҳажмга нисбатан %да*	*2021 й.*	*Умумий ҳажмга нисбатан %да*
Жами:	**3 169,2**	**100**	**4 206,0**	**100**
шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	295,6	9,4	282,1	6,7

	январь-март			
	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2021 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
тоғ-кон саноати	571,2	18,0	2,4	0,1
қайта ишлаш саноати	1023,1	32,3	614,0	14,6
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	248,6	7,9	223,1	5,3
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	56,8	1,8	22,8	0,5
қурилиш	107,8	3,4	54,1	1,3
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	102,4	3,2	411,1	9,8
ташиш ва сақлаш	114,2	3,6	568,9	13,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	12,6	0,4	19,0	0,5
алоқа ва ахборотлаштириш	14,9	0,5	15,1	0,4
молия ва суғурта фаолияти	24,0	0,5	7,7	0,2
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	26,5	0,8	1,8	0,1
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	62,2	2,0	135,2	3,2
маъмурий ва қўшимча хизматлар	31,9	1,0	-	-
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	27,3	0,9	20,8	0,5
таълим	19,8	0,6	23,1	0,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	58,8	1,9	36,9	0,9
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	73,4	2,3	60,2	1,4
уй-жой қурилиши	289,8	9,2	775,4	18,4
бошқа фаолият турлари	8,3	0,3	932,3	22,1

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича *(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида - 614,0 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 14,6 %) ташкил этди. Тоғ-кон саноатида - 2,4 млрд. сўм (0,1 %), уй-жой қурилишида - 775,4 млрд. сўм (18,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида - 282,1 млрд. сўм (6,7 %), давлат бошқаруви ва мудофааси мажбурий ижтимоий таъминотида - 20,8 млрд. сўм (0,5 %), санъат, кўнгил очиш ва дам олишда - 60,2 млрд. сўм (1,4 %), ташиш ва сақлашда - 568,9 млрд. сўм (13,5 %), сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилишда - 22,8 млрд. сўм (0,5 %), малакавий, илмий ва техникавий фаолиятда - 135,2 млрд. сўм (3,2 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда - 36,9 млрд. сўм (0,9 %), таълимда - 23,1 млрд. сўм (0,5 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 19,0 млрд. сўм (0,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши

2021 йил январь-март ойларида умумий майдони 371,5 минг кв.м бўлган 1556 та уй-жой, шундан қишлоқ жойларида 316,2 минг кв.м бўлган 1275 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Қурилиш фаолияти. 2021 йил январь-март ойларида 1880,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,3 %ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1810,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,3 %ни (2020 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 709,2 %ни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати
(2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Юқоричирчиқ (281,9 %) ва Қибрай (189,1 %) туманларида кузатилди. Аксинча, энг паст кўрсаткич Янгийўл (100,8 %) ва Бекобод (100,5 %) туманларига тўғри келди.